O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 28 май, № 104 (4514) Чоршанба

**Муборак истиқлол шарофати ила юртимизда обод гўшалар барпо этилаётгани, хусусан, пойтахтимиз бағрида бир-биридан кўркам богу хиёбонлар, муҳташам меъморий иншоотлар қад ростлаётгани эзгу мақсадларимиз бардавомлигидан далолатдир.**

▼ Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

# ОЗОД ЮРТГА ОБОДЛИК ЯРАШАДИ

Президентимизнинг "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори халқимизнинг улуғ бунёдкорлик ва яратувчанлик хислатларига янгича мазмун-моҳият бағишлади.

Рости, атиги бундан беш-олти йил аввал пойтахт жамолидан баҳраманд бўлган киши айни кунларда муаззам Тошкентга ташриф буюрса, шаҳардаги бекиёс янгиланиш ва ўзгаришлардан ҳайратланмоғи тайин. Пойтахтнинг Эски шаҳар қисмида қайта чирой очган янги-янги маданият ва санъат мажмуалари, Хастимом масжидининг кўркию салобати, пок орзуларимиз ва эзгу мақсадларимиз тимсоли бўлмиш Мустақиллик майдонида қад ростлаган Эзгулик аркаси, унга рўбарў эгизак бинолар — Тасвирий санъат галереяси ҳамда Болалар ижодиёти кўргазмаси маркази сингари навқирон иншоотлар чинданда она шаҳримиз ҳақида ҳар қандай юксак дид соҳибига-да ёрқин ва унутилмас таассуротлар ҳадя этишга қодир.

Пойтахт бозорларининг қиёфаси ва шарт-шароитлари тубдан ўзгартирилганлиги, шаҳарда янгидан-янги замонавий шифо масканлари барпо этилиб, ушбу даволаниш муассасаларининг энг сўнгги тиббий ускуналар билан таъминланганлиги кўнгилларда шукроналик ҳиссини уйғотмаслиги мумкинми? Қувонарлиси шундаки, бу яратувчанлик ва бунёдкорлик халқимиз ва келажагимиз фаровонлиги учун хизмат қилмоқда. Ва бундай янгиланишлар ёшларимизнинг, қалбида соф ва беғубор орзу-ниятлар кўз очган ўғил-қизларнинг кўз ўнгида содир бўлаяпти. Келажак ворислари бугунги эзгу ишлардан ибрат олиб, эртанги ёруғ манзиллар сари дадил одимламоқда.

Мамлакатимиз маънавий ҳаётидаги бундай юксалишлар хусусида сўз кетганида, қарийб икки аср мобайнида унутилишга маҳкум этилган миллий қадриятларимизнинг тикланиши, улуғ аждодларимиз асос солган бой маънавий мероснинг чуқур ўрганилиши ва бу борада бир-биридан муҳташам санъат, маданият кошоналари қад ростлагани хусусида гапирмасак, кўнгил тўлмайди. Ахир шунинг ўзиёқ истиқлол халқимиз манглайига битилган чин саодат, энг бебаҳо бахт эканлигини англатади-да! Бинобарин, элимизнинг бой маънавияти, юксак маданияти, гўзаллик ва эзгуликка бўлган чексиз муҳаббати рамзи ҳисобланмиш худди шу кошоналар Тошкенти азимга ташриф буюрган хорижлик сайёҳлару меҳмонлар диққат-эътиборини жалб этиши муқаррар. Юртимиз меҳмонлари истиқлол шарофати ила қад ростлаган ана шу иморатларга боқиб, миллатимизнинг куч-қудратига, дидию тафаккурига баҳо беради. Гўзалликда тенгсиз шундай иншоотлардан бири — пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида жойлашган Ўзбек миллий академик драма театри ҳам халқимизнинг бой маънавий салоҳияти ифодасидир.

— Театрнинг аввалги қиёфаси бу муқаддас даргоҳ довруғи ва нуфузига мос эмасди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов. — Миллий санъатимиз ва маданиятимизнинг жаҳон узра донг таратишига муносиб ҳисса қўшган отахон театримиз Етим Бобожонов, Маннон Уйғур,

(Давоми 2-бетда).

▼ Анжуман

***Пойтахтимизда Ўзбекистон дерматовенерологларининг V съезди бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз тиббиёт олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.***

## ШИФОКОРЛАР МАСЛАҲАТЛАШДИЛАР

Айни пайтда юртимиз аҳолисига дерматовенерологик хизмат кўрсатувчи уч юзга яқин диспансер мавжуд. Ушбу шифо масканларида қарийб 900 нафар малакали шифокор фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли барча қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий шифохоналарда ҳам дерматовенерологик хасталикларни барвақт аниқлаш, олдини олиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти яратилган. Йиғинда давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришга оид Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда дастуриламал бўлаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Анжуманда, шунингдек, болалар ва катталарда учрайдиган турли тери-таносил касалликларининг олдини олиш, аниқ ташхис қўйиш ва даволашнинг самарали усуллари ҳамда воситаларини қўллаш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди. Бу борада жаҳон тиббиётида эришилаётган ютуқларни мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида қўллаш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Икки кун давом этган тадбир доирасида дерматология, венерология ва тиббиётнинг бошқа соҳаларида қўлланиладиган тиббий технологиялар ва дори воситалари кўргазмаси намойиш этилди.

**И. СОАТОВА.**

# АФСОНА ЭМАС, ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ

***"Ҳеч шубҳасиз, бугун бепоён қорақалпоқ заминида, азим Жайҳун соҳилларида ўтказилаётган "Баркамол авлод" ўйинлари мамлакатимиз ёшлари ҳаётида, спортимиз тарихида яна бир ёрқин саҳифа бўлиб қолади.***

***Нега деганда, юртимизда тўртинчи бор ўтказилаётган бу мусобақаларнинг айнан "Ёшлар йили"да, яқинда Пекин шаҳрида бошланадиган Олимпиада арафасида бўлиб ўтаётгани бу анжуманга алоҳида руҳ ва мазмун бағишлаши табиий, албатта".***

**(Президент Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригидан).**

▼ Қорақалпоғистон таассуротлари





Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Т.Қайипбергеновнинг "Қорақалпоқнома" роман-эссесида қорақалпоқ халқининг миллий қиёфаси, маънавий олами, аҳвол-руҳияси, урф-одатларини атрофлича очишга нимаики хизмат қилиши мумкин бўлса, барча-барчаси жамланиб, бир чеккадан батафсил ҳикоя-ҳангома-нома қилинади. Бу асарнинг энг ноёб ва эътиборли жиҳати унда жамланган юздан ортиқ афсона-ривоятлардир. Балки шунинг учун у енгил мутолаа қилинар, ўқувчини ўзига тортар. Лекин гап ҳозир бу ҳақда эмас.

Ана шу асарнинг хотимасида муаллиф "Шу билан "Қорақалпоқнома" тамомми?" дея ўзига ўзи савол беради ва ўзи жавоб қайтаради:

(Давоми 2-бетда).

**2008 йил — Ёшлар йили**

***Пойтахтимизда мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасининг якуний босқичи бошланди.***

# БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мазкур олимпиада Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Олимпиада якуний босқичининг очилиши олдидан тадбир иштирокчилари ва уларнинг устоз-мураббийлари, ота-оналар Мустақиллик майдонидаги пок орзуларимиз рамзи бўлмиш Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйишди.

Шундан сўнг олимпиада якуний босқичининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ғ. Шоумаров Президентимиз раҳнамолигида ва ташаббуси билан мамлакатимиз таълим тизимида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар ёш авлоднинг пухта билим олишини таъминлашда ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Бундай юксак ғамхўрликлар самараси ўлароқ, ёшларимиз фахрланса арзийдиган ютуқ ва муваффақиятларни қўлга киритишаётгани қувонарли ҳол. Пойтахтимиз мезбонлик қилган кимё фани бўйича 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси натижалари фикримиз тасдиғидир. Гап шундаки, юртимиз терма жамоаси ушбу нуфузли беллашувда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаганининг ўзиёқ, иқтидорли ёшларимиз келажагига бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди.

(Давоми 2-бетда).

# «ЎЗБЕКИСТОН — ЗАҲИРИДДИН БОБУРГА БЕШИК БЎЛГАН ДИЁР»

***Исломободдаги Покистон санъат миллий галереясида буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳамда покистонлик мумтоз шоир Муҳаммад Иқболнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

Тадбир ушбу мамлакатнинг Осиё цивилизациялари жамияти, Покистон санъат миллий галереяси ҳамда Ўзбекистоннинг Исломободдаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

Конференция ишида Покистон сиёсий, академик, жамоат доиралари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва Исломободда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари ходимлари ҳамда мазкур мамлакатда истиқомат қилувчи этник ўзбеклар иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, ўзининг "Бобурнома" асари билан бутун жаҳонга танилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шарқнинг буюк илм-фан ва маданият намояндалари орасида ўзига хос мавқега эгадир. Кенг дунёқараш ва ўткир зеҳн соҳиби бўлган истеъдодли ёзувчи, санъат, адабиёт ва илм-фан ҳомийси Заҳириддин Бобур Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон халқлари ҳаётида муносиб из қолдирган сиймодир.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари давом этаётир.***

### Васфида Ватан мадҳи

Бир неча йилдан бери ўтказиб келинаётган мазкур нуфузли танлов ёш истеъдод эгаларини кашф этиш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Йилдан-йилга ушбу нуфузли санъат анжумани кўлами кенгайиб, иштирокчилар сони ортиб бораётгани юртимизда ёш авлод камолотига, маданият ва санъат ривожига қаратилаётган юксак эътибор самарасидир.

Кармана туманида Навоий шаҳри, Нурота, Навбаҳор, Қизилтепа, Хатирчи, Конимех туманларидан келган санъатсевар ёшлар рақс, мумтоз ашула, мусиқа, эстрада йўналишлари бўйича беллашдилар. Зарафшон шаҳрида эса Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари ҳамда Томди тумани ёшлари ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш этди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

***Косонсой туманидаги "Чашмаи сафед" корхонаси Наманган вилоятидаги иқтисодиёти бақувват корхоналар сирасига киради.***

### Аломат мажмуа

Яқинда мазкур корхона саъй-ҳаракати билан Боғишамол қишлоғида савдо-маиший хизмат мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мажмуа таркибида маросимлар уйи, шарқона меъморий ечимдаги меҳмонхона, ошхона, спорт-соғломлаштириш объектлари ва чўмилиш ҳавзаси бор.

**Акрамжон САТТОРОВ.**

***Китоб тумани фермерлари боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, ҳосилни қайта ишлаш, асраш ҳамда истеъмолчига етказиб бериш тизимини такомиллаштириш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганмоқдалар.***

### Тараққиёт дастури кўмагида

Бу соҳада уларга БМТ Тараққиёт дастурининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш лойиҳаси мутахассислари ёрдамга келди. Индонезиядан таклиф этилган Эрвин Элиас ва Анесса Пратви иштирокида бир кунлик ўқув машғулоти ўтказилди. Улар майда ишлаб чиқарувчи кучларни бирлаштириш, ўзаро ҳамкорлик орқали катта муаммоларни ҳал этишда Индонезия тажрибаси ҳақида батафсил тушунтириш бердилар.

Ўқув машғулотида «Шарқ узумзорлари» қишлоқ хўжалик ширкатига бирлашган, ҳар бири 1-2 гектарлик боғ ва токзорга эгалик қилаётган 30 нафар фермер қатнашди.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Марғилон шаҳрининг «Гулистон», «Зуҳро» маҳаллаларида 36 ва 24 та оилага мўлжалланган, қурилиши тугалланмаган тўрт қаватли турар жой биноларида таъмирлаш ишлари амалга оширилаётир.***

### Алоҳида уйга нима етсин

Бунёдкорлик ишларини «Камолот» ЁИҲ шаҳар Кенгаши бошчилигида «Бунёдкор» хусусий қурилиш ташкилоти ва 426-хўжаликлараро ихтисослашган кўчма механизациялашган жамланма масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бажаришмоқда.

Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган янги уйлар ёш оилаларга имтиёзли кредит ҳисобидан берилади. Айни пайтда 37 та оилага кредит олиш учун йўлланма тақдим этилди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

***"Самарқандкимё" очиқ ҳиссадорлик жамияти маҳсулотларига нафақат Самарқанд, балки қўшни вилоятларда ҳам талаб юқори.***

### Ният эзгу бўлса...

Президентимизнинг "Республикада фосфорли ўғитларни ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида 2006 йилда корхонага 1,5 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилган эди. Натижада иш сифати ва самарадорлиги ошди. Айни пайтда "Самарқандкимё" маҳсулотлари мамлакатимиздан ошиб, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина ва Афғонистон сингари давлатларга ҳам экспорт қилинаётир.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Бир рақам шарҳи

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА



**2008** йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ҳажми **21,7** фоиз ошди.

Ўтган давр мобайнида республикамизнинг барча ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш юзасидан кўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида шундай ижобий ўсишга эришилди.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

*Футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионати олий лигасида ўн биринчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.*

# ПЕШҚАДАМ ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Чемпионат ўйинларини юз фоиз ғалаба билан ўтказиб келаётган "Қурувчи" ушбу турда очко йўқотди. Миржалол Қосимов шогирдлари Қаршининг "Насаф" жамоасига қарши муросасиз кечган учрашувда (0:0) дуранг натижага эришдилар. Тошкентда "Пахтакор" ўн бир метрлик жарима тўплари эвазига ОТМКни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ўз мавқеини анча мустаҳкамлаб олди. Ҳозирда иккала жамоа ўртасидаги фарқ икки очкони ташкил этмоқда. Турнинг кутилмаган натижаларидан бири Жиззахда қайд этилди. "Сўғдиёна" ўз майдонида "Бухоро"га 1:2 ҳисобида имкониятни бой берди.

Ўн биринчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Нефтчи" — "Қизилқум" 3:1, "Ўз-ДонгЖу" — "Андижон" 0:1, "Динамо" — "Навбаҳор" 2:0, "Локомотив" — "Металлург" 1:0, "Шўртан" — "Машъал" 0:0.

***Ўзбекистон чемпионати олий лига ўйинларига 25-26 июнь кунларигача маълум муддат танаффус эълон қилинади. Чунки июнь ойида миллий терма жамоамиз 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати учинчи саралаш босқич мусобақаларида иштирок этади.***

Қуйида мазкур учрашувлар тақвими эълон қилинмоқда:
2 июнь. Сингапур — Ўзбекистон
7 июнь. Ўзбекистон — Сингапур
14 июнь. Ўзбекистон — Ливан
22 июнь. Саудия Арабистони — Ўзбекистон.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**



# ОҚГУЛНИНГ ОЛҒА ОДИМИ

**Ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова нуфузли теннис мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Унинг ютуқлари Халқаро аёллар теннис ассоциацияси(WTA) томонидан ҳам эътироф этилмоқда.**

Куни кеча Халқаро аёллар теннис ассоциацияси (WTA) томонидан дунёдаги етакчи теннис усталарининг янги рейтинги эълон қилинди. Аҳамиятлиси, юртдошимиз Оқгул Омонмуродова рейтингда жадаллик билан юқорилаб бормоқда. Оқгул бу сафар яна саккиз поғона юқорига кўтарилиб, 50-ўриндан жой олди.

# КАРАТЭЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Урганч давлат университети спорт мажмуасида 1990-2000 йилларда туғилган ёш каратэчилар ўртасида «Камолот» кубоги» мусобақалари ўтказилди. Унда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан жами 200 нафардан зиёд ёш спортчи беллашди.

Мусобақалар якунига кўра, умумжамоа ҳисобида Урганч шаҳридаги «Сулаймон» каратэ клуби биринчи, Қорақалпоғистоннинг «Руслан» клуби иккинчи, Хонқа тумани каратэчи болалари учинчи ўринни эгалладилар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





# КЎРГАЗМАДА — МУЗЕЙЛАР

***Пойтахтимизнинг Маданият ва санъат кўргазмаси биносида "Ўзбекистон музейлари" фестивали бўлиб ўтди. Мазкур тадбир давлатимиз раҳбарининг "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ташкиллаштирилган.***

**Фестиваль**

Фестиваль Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекмузей" жамғармаси ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилди. Музейлар фестивалининг асосий мақсади Тошкент шаҳрининг бой ўтмиши ва маданий мероси, унинг бугунги ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларни юртимиз ва хориж мамлакатларида кенг тарғиб қилишдир.

— Анжуманда мамлакатимиз вилоятларидаги 20 га яқин музей-қўриқхона иштирок этмоқда, — дейди Маданият ва санъат кўргазмаси директори Юлдуз Ёрмуҳаммедова. — Музейлар экспозицияси ҳамда захирасида сақланаётган нодир буюмлар фестиваль кўргазмасидан жой олган. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрининг тарихи ва маданиятини акс эттирувчи археологик топилмалар ва ёзма манбалар, пойтахтимизнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ривожланиш жараёнларига оид экспонатларга кенг ўрин ажратилган. Бу, албатта, ёшларимиз қалбида она юртга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғусини кучайтиришга хизмат қилади.

Айниқса, фестивалда Темурийлар ҳамда Ўзбекистон тарихи Давлат музейлари, Термиз археология музейи сингари маданият ўчоқларида сақланаётган нодир экспонатлар бой маънавий меросимиз ҳақида янада теранроқ тасаввур уйғотиши билан аҳамиятлидир.

— Музейимизда қадимий ўтмишимизга оид кўплаб қимматли ёдгорликлар сақланади, — дейди Бухоро Давлат музей-қўриқхонаси директори ўринбосари Карим Рустамов. — Тош даври ёдгорликларидан тортиб, XVIII-XX асрларга оид осори атиқалар, хусусан, Қуръони Каримнинг ўша даврларда яратилган қўлёзма ва босма нусхалари, шунингдек, санъат ва ҳунармандчилик намуналари намойиш этилмоқда. Қизиқувчилар асосан талаба йигит-қизлар эканлиги қувонарли ҳол. Негаки, ўз ўтмиши ва миллий анъаналаридан бохабар ёшлар фақат эзгулик ва юксалиш сари интилади.

Фестиваль доирасида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига атаб ташкил этилган фотокўргазма ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Намойиш этилаётган ҳужжатли фотосуратларда пойтахтимизнинг қадим ўтмишидан то бугунги фаровон турмушига қадар бўлган даврлар акс этган.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# БЕҒУБОР ЧАШМА

***Бу галги баҳор Поп туманидаги Ғурумсарой қишлоғи аҳли қалбига каттагина қувонч бағишлади. Шу ерлик Ваҳобжон Буваев «Ташаббус-2008» кўрик-танловининг мамлакат босқичидан Президент соврини — «Матиз» автомашинасини миниб қайтди. «Энг яхши ҳунарманд» деб топилган уста-кулол, шунингдек, олтин медаль, биринчи даражали диплом, «Ташаббус» рамзи туширилган «Пегас» ҳайкалчаси, икки миллион сўмлик суғурта полиси ва бир миллион сўмлик авиабилет чегирмасига ҳам эга бўлди.***

**Ҳунармандчилик**

Кулолчилик ғурумсаройликларга аждодлардан мерос. Тарихий манбаларда Қува, Риштон кулолчилик мактаблари қаторида Ғурумсарой ҳам алоҳида тилга олинган. Қишлоқ довруғини ёйган мазкур ҳунар мактабининг асосчиси уста Кўки бўлиб, ўтган асрда унинг ишини Маҳмуджон Раҳимов, Мақсудали Туронов, Ҳокимбой Сатимов, Ҳайитбой Ҳокимовлар давом эттиришган. Кейинчалик унут бўлаёзган нодир ҳунарни давом эттириш оддий тракторчи фарзанди Ваҳобжоннинг чекига тушди. Ваҳобжон ҳунарнинг бу нозик жиҳатини ўрганиш учун йиллар давомида Мақсудали ота Туроновнинг ёнидан жилмади.

— Ясаган буюмингнинг умрбоқийлиги унинг сирланишида. Эътиборни шунга қарат. Ота-боболаримиз бизга асрларга ярайдиган бўёқ яратиш сирини қолдириб кетишган. Ана шу сирни асраб-авайла, — дея оддийгина гулват, қирқбўғим гиёҳларидан яшил ва ҳаворанг бўёқлар олиб, уни тошлардан тайёрланган аралашма ёрдамида ялтироқ тусга киритишни шогирдига эринмай ўргатган устознинг мероси шогирдига бебаҳо бойлик бўлиб қолди. Ҳозирда эса ўзи болалардан ўттиз нафарини тўплаб, тўгарак ташкил қилди. Уларга кўза, лаган, гулдон каби буюмларни ясаш сир-асроридан сабоқ бермоқда.

— Кулол — ижодкор шахс. Қаранг, қўлингизда сирланиб турган кўзача кечагина оддий лой эди. Ҳунар эгасининг қўлида санъат асарига айланди. Шунинг ўзи мўъжиза эмасми? — касбидан фахр туйиб сўзлайди у.

Чиндан ҳам, мўъжиза, ҳамиша қайнаб турадиган беғубор чашма бу ҳунар деганлари. Истеъдодли соҳибини эзгуликка етаклайди, муродига етказади. Мана, Ваҳобжонни ҳам элга танитди. Ясаган буюмлари хонадонлар кўрки бўлмоқда, қатор нуфузли танловларда муносиб баҳосини олаяпти. Мамлакатимиз пойтахтида бир неча бор шахсий кўргазмасини уюштирган кулол бундан икки йил аввал Парижгача етиб борди. «Қадимги Шарқ моҳир усталари» фестивалида намойиш этган миллий ҳунармандчилик буюмларига французлар ҳам қойил қолишди.

Миллий ҳунармандчиликнинг халқаро миқёсдаги эътирофи истиқлол туфайли эканлиги эса ҳар биримизга қувонч ва ғурур бағишлайди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Зайтун — зайтундошлар оиласига мансуб бўлиб, баландлиги 4-7 метргача борадиган яшил дарахт. Гуллари оқ рангда. Данакли меваси октябрда пишиб етилади. Даставвал Сурхондарёда экиб кўрилган. Ҳозирда Андижон, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида ҳам зайтун ўстирилмоқда.***

# «СУЮҚ ОЛТИН» ХОСИЯТИ

**Билиб қўйган яхши**

Зайтун кўриниши жийдани эслатади. Мевасининг таркибида 100 дан зиёд фойдали унсурлар мавжуд. У кимёвий жиҳатдан она сути таркибидаги мойга яқин турадиган ягона ўсимликдир. Греция, Италия, Испания каби давлатлар зайтундан катта даромад олишаётгани боис уни "суюқ олтин" деб аташади.

Табобатда унинг мойи ғоятда қадрланади. Хусусан, табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино зайтун борасида шундай дейди: «...Мўйни сақлайди, ҳар куни ишлатилса, мўйнинг тез оқаришини тўхтатади. Чиркли яраларни тозалайди. Эскирган зайтун ёғи суртма қилинса, подагра билан оғриганларга фойда қилади».

Зайтун мойига саримсоқпиёз ва сабзи қўшиб пиширилгани қоринга сув йиғилишида наф беради. Мойининг қуйқаси қуруқ баданларда пайдо бўладиган яраларни битиради. Олимларнинг таъкидлашича, Грецияда юрак хасталигига чалинганлар нисбатан кам учраркан. Сабаби, улар зайтун мойини истеъмол қилиб туришаркан. Демак, зайтун мойи юракка ҳам малҳам.

Зайтун мойи билан даволаниш усуллари жуда кўп. Хусусан, унинг ёғига узум сиркаси аралаштириб ишлатилса, сафро хилти ошиб кетишидан ҳосил бўлган бош оғриғига шифодир.

Ичак оғриганда ва гижжада ҳам зайтундан фойдаланган маъқул. Суюқ малҳам тайёрлаш мақсадида зайтун ёғи қичитқи — газанда ўти билан қўшиб қайнатилади. Сўнгра тайёр бўлган мойли қайнатмадан истеъмол қилинса, ичакнинг оғриши тўхтайди.

Меъда (ошқозон) ярасини даволашда керакли сабил ва бир литрли шиша банка олинади. Сабил тагига асбест бўлаги жойлаштирилади ва устига шиша банка қўйилади. Шиша банка қуритилган далачой (зверобой) ўти билан тўлдирилади. Ва устига лиқ тўлгунча зайтун ёғи қўшилади. Сабилни паст оловда шундай тутиш керакки, шиша банкадаги далачой билан зайтун ёғи қайнамаслиги даркор. Мабодо, бу аралашма қайнашга келиб қолса, озроқ қайноқ сув қўшилади. Орадан олти соат ўтгач, малҳам тайёр бўлади. Уни сузиб, қоронғу, салқин жойда сақланади. Сўнгра 2 ош қошиқдан таомдан олдин ичилади. Бу малҳам билан ошқозон ярасини даволашда парҳезга қатъий риоя қилиш даркор. Даволаниш бошида очлик билан парҳез қилинади. Бунда 2 ёки 3 кун фақат сув ичилади, яъни бошқа таом истеъмол қилинмайди. Ва зайтун мойли далачойдан 4 маҳал ичилади. Тўртинчи куни бир дона тухумни 3 га бўлиб, 3 маҳал ейилади. Кейинги ҳафталарда товуқ гўшти шўрваси ичилади. Муолажа 3 ой давом этади.

Зайтун ёғи бундан бошқа бир қанча касалликларга ҳам шифо, ҳам дармон бўла олади. Зеро, озиқлиги бисёр. Зайтун ёғини сақлашда идиш қопқоғи зич ёпилиши керак. Акс ҳолда шифобахшлик хосияти йўқолади.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**

# «Сен ёлғиз эмассан»

**Ташриф**

Самарқанддаги Сартепа туризм ва маиший хизмат коллежида «Сен ёлғиз эмассан» деб номланган тадбир ўтказилди. Унга шаҳардаги 10-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари таклиф этилди. Улар коллеждаги сартарошлик устахонаси, фототехника хонасида иш жараёни билан танишдилар. Шунингдек, замонавий технологиялар ёрдамида чет тилларни ўрганиш, физика ва астрономия кабинетларида амалий машғулотларда қатнашишди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





"Business" ва "Vip" категориясидаги тариф режалари янада арзонлашди!

| тариф режаси | мижоз тўлови | имтиёзли дақиқалар лимити (ойига) | лимитдан ташқари кириш қўнғироқлари: Ўзбекистон бўйича | лимитдан ташқари кириш қўнғироқлари: тармоқ ичида | лимитдан ташқари чиқиш қўнғироқлари: Ўзбекистон бўйича | лимитдан ташқари чиқиш қўнғироқлари: тармоқ ичида |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Статус | 18 / ойига | 500 | ~~0,04~~ 0,03 | ~~0,02~~ 0,01 | ~~0,04~~ 0,03 | 0 |
| Удачный | 25 / ойига | 1000 | ~~0,03~~ 0,02 | | ~~0,03~~ 0,02 | |
| Регион | 35 / ойига | 2000 | 0,02 | | 0,02 | |
| Forward | 300 / 6 ой учун | 5000 | 0,01 | | 0,01 | |
| Перфектум | 2 / кунига | 5000 | | | | |

Барча маълумотлар компания офисларида ва www.cdma.uz сайтида

ISO 9001:2000
ASIA INSHURANS
Суғурта компанияси
PerfectumMobile
(8598) 305-1111





Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А. Сабуровга падари бузруквори
**Собир ота ЯКУБОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи» ОАЖ жамоаси «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ бош муҳандиси Шарофиддин Қодировга онаси
**Марҳамат ҚОДИРОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси китобларни депозит сақлаш бўлимининг 1-тоифали кутубхоначиси Жўрахон Соатовага волидаи муҳтарамаси
**Марҳамат МАҲМУДОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.00 1234567